



## “БАХТ” КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА СЕМАНТИК ТАЛҚИНИ (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида)

*Мардиев Тўлқин Кулибаевич,  
Samarqand davlat chet tillar instituti mustaqil izlanuvchisi,*

**Калим сўзлар:** вербаллашув, лексема, концепт, когнитивлик, семантика, лингвомаданият.

“Тил ва онгнинг жамоатчиликнинг яшаш шароити, асрлар давомида тўплаган тажрибаси, билими, дунёқарашини акс эттирган ҳолда бир даврда пайдо бўлиши ва ривожланиши этироф этилганлиги [8, 295]” инсоннинг когнитив амалларининг маҳсули деб қараш мумкин. Тилшуносликда когнитивлик тил ва тафаккур жуфтлигида фаолият юритади. Тилшуносликдаги когнитив тадқиқотларда кенг ва турли сатҳларда қўлланиладиган концепт тушунчаси ҳисобланади. Концепт ва тушунча борасида кўплаб амалий ишлар амалга оширилган бўлиб, ушбу икки лисоний категорияларни фарқловчи хусусиятлар аниқланган. Жумладан, тушунча-предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги умумий ва хусусий белгиларини акс эттирадиган фикр, деб қаралса концепт – нафақат мавҳумий бўлган, балки аниқ-ассициатив ва эмоционал-баҳоловчи белгиларни қамраб олган ғоя саналади [9, 41]. Концептлар, одатда, инсон турмуш тарзи билан боғлиқ маълум тушунчаларни махсус қолипларга солиш, лисоний ва маданий мавжудлигини белгилашга қаратилади. Албатта, концепт тушунчаси борасида фикр ва мунозаралар кўпчиликни ташкил қилиб унинг таърифи борасида аниқ тўхтамни топиш қийин. Д. С. Лихачевнинг келтиришича концепт – бу индивидуал англаш жараёни ва маълум контекстда сўз маъносини алмаштириш ҳисобланади [5, 280-287]. Маълум бир концепт ҳар бир лингвомаданиятда ўзига хос шаклланишга эга саналади. Концептлар, ўз навбатида, сўз маъноларига нисбатан кенг талқин этиладиган, мураккаб типологик қурилмага эга. В.И.Карасик

концептларнинг типологик ёндашувдаги таҳлилларини бир неча ёндашувда кўриб чиқади: биринчисида концептларнинг тилга асосланиши, яъни предметга оид, белгига оид, ҳодиса-жараёнга оид хусусиятларга эътибор қаратилса, иккинчи ёндашув когнитив психологик бўлиб, маъно фрагментлари сценарий, фрейм, гештальт каби қиёфаларга тегишли саналади. Кейинги ёндашув этик-эстетик категорияларнинг маҳсули сифатида дериктив хусусиятга эга бўлган маданий қадриятларни баҳоловчи концепт ҳисобланади [3, 24], ҳамда *севги*, *гўзаллик*, *бахт*, *ҳалоллик* ва шу каби юқори қадриятлар саналган теленом концептлар [2, 164] ажратиб кўрсатилади. Маълум концептларнинг типологик таҳлили фақатгина семантик фарқларини кўрсатиш учунгина хизмат қилмайди, балки “онг, англаш, муносабат, фаолият тушунчаларини интеграцион ёндашув орқали моделлаштириш [5, 5-71]” учун ҳам хизмат қилади. Кубрякованинг таъкидлашича, концепт – инсон психикасида акс этадиган, бутун олам қиёфасини ифодалайдиган лисоний онг бўлиб, ментал лексиконнинг хотирадаги оператив мазмуний бирлиги саналади [4, 90-93]. Айни пайтда, концептнинг кўпқатламли эканлиги ҳам тан олинган [9, 59]. Шундай экан, “бахт” концепти ҳам инсоният онгида жойлашган, бутун олам қиёфасида акс этадиган лисоний ментал тушунчадир.

Бирор концептуал тушунчаларнинг типологик таҳлили бевосита луғавий маънолар билан таққослаш орқали амалга оширилади. Шунунг учун ҳам “бахт” сўзининг инглиз ва ўзбек тиллари изоҳли



луғатларида келтирилган маъноларига эътибор қаратишни жоиз деб топдик.

**happiness** *n.* the state of being happy: *Her face was glowing with happiness. They found happiness together at last.*

**happy.** *adj.* (comparative **happier**, superlative **happiest**) **1** feeling pleased and cheerful, often because something good has happened to you **ANT unhappy, sad:** *He was a happy child. I've never felt happier in my life. I'm happy (that) everything worked out in the end. I don't think he was too happy about having to stay late.*

**2 be happy to do sth** to be willing to do something, especially to help someone else: *I'll be happy to answer questions later.* **3** a happy time, place, etc. is one that makes you feel pleased or happy: *Those were the happiest years of my life. They had a very happy marriage.* **4** [not before noun] satisfied or not worried: *Amy was not very happy with their decision.* **5 Happy Birthday/ New Year etc.** used as a greeting, or to wish someone good luck on his/her BIRTHDAY or a special occasion [Longman Dictionary of American English, 476].

**БАХТ-** (форс тилидан ўзлашган-тақдир, насиба, улуш). 1. Кишининг ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиши, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадга етгани, орзу-умидининг ушалиши сифатида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий тушунча. 2. Ҳаёт(турмуш)дан тўла мамнунлик ва беармонлик ҳолати; саодат, қут. Меҳнат-бахт келтирар (мақол). **Бахти қулмоқ** (ёки **очилмоқ**)- бахтиёр ҳаётга, хушнуд онларга эришмоқ; бахтли, бахтиёр бўлмоқ. **Бахтинг очилсин** ёки **бахтингни берсин**-ёшларга муҳаббат ва ширин оилавий турмуш тилаш шакли. Бахти қора (қаро)-турмушдан ёлчимаган; бахтсиз. 3. Омад, толе; иқбол. (*бахтига, бахтимизга*-содир этилган ёки этиладиган воқеа-ҳодиса, ҳаракатнинг кўнгилдагидек бўлиши, *бахти қулмоқ(чопмоқ)*-омади чопмоқ, *бахти очилмоқ*-оилали бўлмоқ ) [Ўзбек тилининг

изоҳли луғати, 178-179]. Эл боқса, бахтинг қулар, Эл боқмаса, тахтинг қулар.

Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғуларини ифодаловчи тушунчалар ҳисобланган **“happiness”**, **“бахт”** лексемалари саналади. “Бахт” лексемаси концепт сифатида ўзига хос инсон туйғуларини англатса-да, муҳаббат, дўстлик, севги ва шу каби бошқа концептуал тушунчалар билан ҳам боғланади.

Инглиз ва ўзбек лингвомаданиятида “бахт” концепти фарқланишида маданий, ахлоқий жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари тарихий тажрибага асосланган ҳамда ушбу халқларнинг ҳаётидаги, турмушидаги психологик ва ментал ҳолатларини ҳам акс эттиради. Ўзбек маданиятида “бахт” концепти кўпроқ жамоавий, яъни қон-қариндошчилик, маҳалла-қўшничилик муносабатлари билан ҳам бевосита алоқадор саналса, инглиз маданиятида бу индивидуал кўринишга эга. Хусусан, инглиз тилидаги “happy” сўзи маълум вазиятда роҳатланиш концептига ҳам яқинроқ хусусиятни касб этади. Бу ўз навбатида “ёшлик”, “роҳат”, “завқ” каби ижтимоий кўринишларни ҳам ифода этади. Шунингдек, ушбу “happy” сўзи инглиз ва америка маданиятида ижобий муносабат, ният билдириш, тилакларни ифода этувчи воситалардан бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Мазкур концепт фақатгина ижтимоий турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий кўринишарни ифода этибгина қолмасдан, миллатнинг қадриятларини ҳам акс эттирувчи тушунча сифатида қабул қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам, мавҳум бўлган концептлар нафақат назария, балки турмуш тарзи масалаларини ҳам қамраб олиши [3, 145] таъкидланади.

Лингвомаданий концептлар нафақат бирор халқ ёки миллатнинг умумий қарашлари остида, балки жамият билан ҳамнафас амал қилади. Бу эса концептларнинг мазмун ва шакллари



жамиятдаги ўзгаришларни ҳам акс эттиради.

Инглиз тилидаги “happiness” концепти “fun” тушунчаси билан ҳам қоришиб кетган. Бу ҳол, маълум вақт оралиғидаги хурсандчиликни англатиш учун хизмат қилади.

Албатта, “бахт” концепти умумжамоавий бўлиб қолмасдан индивидуал хусусиятларни ҳам касб этади. Мисол учун, касал одамнинг тўлалигича соғайиб кетиши унинг учун бахт саналади, ёки фарзандсиз оиланинг фарзанд кўриши ҳам улар учун маълум маънода бахтлиликни англатади.

Маълумки, кўпгина бадий адабиёт матнларида “бахт” тушунчаси ички туйғуларидан бири сифатида муҳаббат, севги концептига боғланиб кетади. Бунда бахт тушунчаси хис-туйғуларнинг ўзаро мос келишини англатади. Бундай бахтга эришмаслик хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, бахт-бахтсизлик диада концептини юзага чиқаради. Инсон туйғусида бахт ва бахтсизлик дуаллиги нисбий тушунча сифатида қаралади. Бахт ва бахтсизлик дуаллиги турли сатҳларда намоён бўлади. Бу баъзан олий кучнинг таъсири ҳам деб тушунилади. “Бахт” тушунчаси умумэтник хусусият бўлибгина қолмасдан, индивидуал тушунчаларда ҳам ўз ифодасини топади. Жумладан, “бахт” концепти борасида файласуф олимларда ва ҳар бир инсонда ўз қарашлари мавжуд. Жумладан, Абу Наср Форобийнинг “Бахт-саодатга эришув ҳақида”, “Фозил одамлар шаҳри” каби асарларида **бахт** ҳақида ажойиб фикр-мулоҳазаларни баён этган. Унинг фикрича, “Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади” [Абу Наср Форобий, 188]. Мутафаккир бахт-саодат тушунчасида, инсонни камолотга бошловчи энг олий мақсадни назарда туттади. У бахт-саодатга эришиш учун зарур бўлган инсоний хислатларни тўрт

қисмга бўлади: а) назарий фазилатлар, б) тафаккур фазилатлари, в) яралма (ҳаёт жараёнида вужудга келадиган) фазилатлар, г) касб фазилатлари каби. Форобий назарий фазилатлар деганда ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни эгаллашни назарда туттади. “Бу шундай билимдирки, - деб ёзади у, - ундан энг сўнгги (яқунловчи) мақсад-муддао кўзда тутилади, яъни бу илм орқали барча нарсаларни ўз ичига олган мавжудотни ва фақатгина ақл ёрдамида билинадиган предметлар ҳақида тушунчани ҳосил қилиш кўзда тутилади”.

Форобийнинг ёзишича, тафаккур фазилатлари ҳаёт жараёнида вужудга келадиган фазилатлар (ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилиш, жамият қонунларига бўйсунуш ва бошқалар) ва касб фазилатлари билан боғлиқдир. Кейинги икки фазилат таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. “Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса, шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир”.

Шунингдек, Абу Райҳон Беруний илм-фанда саховатли хизмати сингган киши ўзини энг бахтли инсон туйғусига эга бўлади деб билади. Чунончи бу ҳақда қуйидагича ёзади: “Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим-билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки мен билим орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни мен ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман” [Исроилов Б, 30].

Маълумки, бахт концепти мазмунида инсоннинг қадр-қиймати, истак хоҳиши, омади ётади. Бахтсизлик тушунчасида бунинг акси намоён бўлади. **Бахт омад келтиради. Бахтсизлик кулфат келтиради.** Масалан, ўз муҳаббатига эришган инсонда бахт намоён бўлади. Бахтиёр ҳаётда эхтиросли хис-туйғу, хурсандчилик, хузур-ҳаловатга эришилади. Бундай бахтга интилиш инсон учун оллоҳ томонидан берилган буюк неъмат, деб ҳам қаралади. Бахтсизлик эса



Оллоҳ томонидан берилган неъматдан маҳрум этилиш, унда тақдирнинг салбий қора томони намоён бўлади, яъни омадсизлик маъноси келиб чиқади. Омадсизлик маъноси инглиз тилида “Unhappiness” атамаси билан ифодаланади. Луғавий изоҳлар ва компетент-дефиницион таҳлил шуни кўрсатадики, бахт инглизча “happiness” атамасида ўз ифодасини топади.

Бизнинг кундалик ҳаётимиздаги ўй-хаёлларимиз, фаолият ва ҳаракатларимизда амал қиладиган концептуал система табиатдан метафорик саналади. Бизнинг фикримизни бошқарадиган концептлар интеллектимиз маҳсули бўлибгина қолмасдан, одатий кундалик фаолиятимизни ҳам бошқаради [10, 8]. Демак, хоҳ у мавҳум ёки тажрибамизда аниқ акс этмайдиган (эмоция, ғоя, фикр ва бошқалар), концептларнинг кўплиги сабаб, биз учун аниқроқ бўлган ва биз тушунадиган концептларга (макон, объект кабилар) асосланишимиз талаб қилинади [10, 83].

Тажриба асосида юзага келган маданий концептлар: LOVE, TIME, IDEAS, UNDER-STANDING, ARGUMENTS, LABOR, HAPPINESS, HEALTH, CONTROL, STATUS, MORALITY кабилар метафорик дефиницияни талаб қилади. Чунки, улар кундалик фаолиятимиздаги мақсадларни аниқ ифода эттирмайди [10, 118].

Омадсизлик бахтсиз ходисадир. Бунда кутилмаган кўнгилсизлик намоён бўлади. Бадиий адабиётлар, кундалик муносабатларда бахтни мустаҳкамлаш учун айрим шартларнинг бўлиши лозимлиги таъкидланади. Бунда дўстлик, меҳр-муҳаббат, фаровонлик, яхшилик қилиш, тарбиялилик, сахийлик, бағри кенглик каби хислатлар кўзда тутилади. Бахт концептига хос бундай туйғулар инглиз ва ўзбек тиллари материалларида мавжуд. *Then, all the good you bring to him, all the relief, all the happiness you bring to him, begin* [Charles Dickens, 62]; *Mr. Stryver having made up his mind to that*

*magnanimous bestowal of good fortune on the Doctor's daughter, resolved to make her happiness known to her before he left town for the Long Vacatio* [Charles Dickens, 248]. Шунингдек бахт концептига хос бундай туйғулар ўзбек тили бадиий адабиётларида ҳам мавжуд. *Бу бахт қуши кимнинг, қайси бир толеи баланд йигитнинг бошига қўнар экан? Ҳамманинг тилида шу савол. Лекин ҳамманинг дилида эзу бир тилак; “Илоҳим, тенги топилсин.”* [Абдулла Қаҳҳор, 113]. *Кўзгуга бориб боқ, кўзларингда меҳр, самимийлик бор, сен келажаги порлоқ йигитсан ва бахтинг шуки, одамларга ишонсан. Билиб қўй, одамларга ишонмай қўйиши катта бахтсизликдир* [Қаржовов А, 33].

Ўзбек тилида “бахт” концепти нафақат турмуш қуриш ва эр-хотин, болачақа муносабатлари ҳисобланади, балки ижтимоий баҳолаш сифатида ҳам акс этади. Мазкур ҳол ўзбек этносининг асрлар давомида тўплаб келган маънавий-маърифий, маданий, диний қарашларига асосланилади. Бу баҳолаш шахснинг жамият, атроф-муҳитдаги ўз ўрнига эга бўлишида муҳим омил сифатида қаралади.

“Бахт” концепти инглиз тили семантик майдонида коннотатив таркиби моҳияти мазкур концептнинг умумий ва ўзга хос тавсифини аниқлашга бағишланган бўлиб, бу концепт инглиз сўзлари, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар мақол ва афоризмларда намоён бўлади: *Happy is he that is happy in his children. He who leaves his house in search of happiness pursues a shadow. A deaf husband and a blind wife are always a happy couple; Call no man happy till he dies. Happiness is something to do, something to love, something to hope for... Health is better than wealth. Health is not valued till sickness come. Happiness takes no account of time* [Караматов К, 148-154].

Ўзбек тили паремиологиясида ҳам етарлича мақол ва фразеологик бирикмаларни учратиш мумкин: *Бемор тузалгиси келса, бахт (табиб) ўз оёғи билан келар. Бахтсизнинг бурни қонар,*



огзи ошга етганда [Ўзбек халқ мақоллари, 194]. Бу паремияларда бахт омад туйғусига ўхшатилади. Ҳамма ишда омад туйғусининг мажудлиги муҳим ҳисобланади. Қайд этилган соҳаларда омад туйғусига хос хусусият келмаганлик бахтсизлик ҳисобланади. Ҳатто, баъзи кишиларнинг бахтга эришуви салбий ҳис-туйғуларни уйғотади, яъни ўзганинг бахтини кўролмаслик каби салбий туйғу-хислатлар юзага чиқади. Шу билан бирга соғлом турмуш тарзи учун бахт туйғусининг бўлишлиги шартларига, нормаларига амал қилмаслик ҳам бахтсизликни олиб келади. Масалан. *But Becky was angry with Tom. She walked away and didn't answer. Tom was unhappy. He didn't go to school in the afternoon. Page Summer vacation started, and Becky went away with her family. Tom was unhappy. [Mark Twain, 18].*

Ўзбек маданиятида ҳам “бахт” концепти оилавий муносабатларга қурилганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, меҳр-муҳаббат ва дўстлик бор жойда бахт мавжуд бўлади. Ҳозирги вақтда бахт ва бахтсизлик дуаллиги ижтимоий муносабатлар билан ҳам боғланади. Бу алоқадорликни қуйидагича мисолларда кўрамиз: *Бошингда айланиб юрган бахт қуши сафарга чиққанинда қўнади. Мартабанг улуг бўлса катта бойга айланасан. Кўзимга бир хурлиқо қиз ҳам кўринаяпти. Бахт қуши ўшанинг ўзгинаси, икковингнинг севишинг аниқ [Қаржовов А., 6]; Бева эрнинг муаммосини ҳал этиши осондай туйилади. Биронтасига уйланса яна бахтини топгандай бўлади. Лекин болаларнинг бахт топиши мушкул. Уйларига дунёдаги энг меҳрибон ўғай она кириб келса ҳам кемтик бахтларининг ўрни тўлмайди [Тоҳир Малик, 102].* Концептларнинг инсон таффақуридаги асосий ўрни- бу субъектнинг объектга бўлган муносабатини аниқлаш ва шу объектни категоризациялаш ҳисобланади. Концепт- бу маданий белгиланган вербаллашган маъно бўлиб, лексик-семантик парадигмани ҳосил қиладиган,

бир қатор ўзига хос тил реализациясига эга бўлган ифода планида намоён бўладиган бирлик тушунилади. Лингвокультурологик концептнинг мазмуни иккита семантик белгини ўз ичига қамраб олади. Биринчидан, барча тил реализацияларига тегишли бўлган семалар киради. Улар лексик-семантик парадигмани “боғлайди” ва унинг тушунчавий ёки прототипик асосини ташкил қилади. Иккинчидан, бунга лингвокультурологик, этносемантик спецификали ва тил соҳибининг менталитети ёки шахснинг тил менталитети билан боғлиқ семантик белгилар киради [1, 27–35]. Жумладан, “бахт” абсолют қадрият сифатида намоён бўлади ҳамда у инглиз ва ўзбек маданиятининг ажралмас қисми саналади. Бахт бевосита турмуш ўртоғини танлашдаги омад билан ўлчанадиган туйғу-ҳолатлар йиғиндиси ва у инсон ҳаётидаги муваффақиятни билдириб келади. Инглиз адабий матнларида бахт мазмуни муҳаббатга эришиш, яъни оила концептига кўпроқ боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин. Масалан: *Lucie, I recall these old troubles in the reason that I have tonight for loving you better than words can tell, and thanking God for my great happiness [Charles Dickens, 135]. Mary dreamed of happiness and of children, but her strongest, most deeply hidden longing was for earthly love [Leo Tolstoy, 45].* Шунингдек, бахт ёқимли туйғу-ҳиссиёт, турли ташвишлар ва кулфатлардан халос бўлиш, муаммоларнинг мавжуд бўлмаслиги, орзу-истакларнинг амалга ошиши каби концептуал маъноларни ифодалайди. Бундай концептуал хислатлар инсонни ахлоқли кишига айлантиради. Шунинг учун ҳам мазкур концепт маънавий-ахлоқий хусусиятларни акс эттиради.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги “БАХТ” концепти биринчи навбатда “ОИЛА” концепти билан вербаллашади. Инглиз тили лексик системасидаги “БАХТ” концептининг объектив ва субъектив жиҳатлари киши ҳаётидаги ҳолатлар билан боғлиқ равишда luck ва



fortune отларида мужассам бўлган *happy* ва *happiness* сўзларида ҳам акс этади. (*Happy is he that chastens himself; Happy is he that is happy in his children; Happy is the country which has no history; He who leaves his house in search of happiness pursues a shadow;*), другие же получают лишь объективную интерпретацию (*Happy is he who knows his follies in his youth; Happy is he whose friends were born before him; Happy is that child whose father goes to the devil; Happy is she who marries the son of a dead mother; Happy/blessed is the bride the sun shines on, and happy the corpse the rain rains on.*

Келтирилган мисоллар кўрсатадики, *luck* ва *happiness* сўзлари турли ўзакка эга бўлса-да, этимологик нуқтаи назардан улар бир семантик “тақдир” моделини ҳосил қилиши кузатилади.

Инглиз тилидаги “БАХТ” тушунчасининг семантик белгиларининг кўпчилиги этноспецифик нуқтаи назардан талқин этилади ва бу тушунча бевосита “оила” концепти билан вербаллашади. Бу тушунча ҳам бевосита “ОИЛА” концепти билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида болалар, уй, эр ва хотин каби сўзлар билан вербаллашади. Масалан: *Happy is he that is happy in his children; He who leaves his house in search of happiness pursues a shadow; A deaf husband and a blind wife are always a happy couple; Call no man happy till he dies. My happy father died / When sad distress reduced the children’s meal (Wordsworth); Sweet sleep Angel mild, / Hover o’er my happy child (Blake); She is happy in her new life (Sheldon).*

Инглиз ва ўзбек тили бадиий матнларида баъзан шуни қайд этиш керакки, бахт-омад концептининг меҳроқибат, муҳаббат-садоқат каби концептуал маънолари билан яқинлиги каби юрак-қалб, кўнгил, дўстлик каби туйғуларга ҳам қисман алоқадорлик томони борлиги сезилади. Бизнингча, аслида уларнинг ҳар бирида ўзига хос туйғу аломатлари мавжудлигини кузатдик.

Хуллас, таъкидлаш мумкинки, биринчидан, инсоннинг ўз тақдирига баҳолаш муносабати бахт ғояси кўринишида реаллашади, у ўзида “бахт” ва “бахтсизлик” ҳиссиётига хос базавий концептини ифода этади. Иккинчидан, ўзида “бахт” ва “бахтсизлик” ҳиссиёти концептларини ифода этадиган бахтнинг лингвомаданий ғояси этномарказлашган семантик тузилма бўлиб, умумий ва шахсий муносабатлардаги инсоннинг миллий ўзига хос ахлоқий усулини аниқлаб келади. Учинчидан, “бахт” концепти дунёнинг лисоний қиёфаси аксиологик ментал бирлиги сифатида қуйидаги базавий фикрларни тақдим қилади: “тақдирнинг мойиллиги”; “омад”, “интенсив хурсандчилик”; “ҳаётнинг ижобий баланси”; “ҳаётдан қониқиш ҳисси”; идеалнинг ҳиссий эмоционал шакли бўлса, “бахтсизлик” концепти эса: “омадсизлик”; “ғам”; “кулфат”; “оғир ҳодиса”; “оғир нохуш ҳолатлар”; инсонга чуқур руҳий оғриқ, азоблар беради. Тўртинчидан, бахт ғояси тарихий эволюцион ва ўзгарувчан характерга эга, бу нарса матнларнинг ҳар хил шаклда ўзига хос хусусиятларида ифодасини топади. Бешинчидан, “бахт” ва “бахтсизлик” дуаллик концептларининг қиёсий лингвомаданиятларда ўхшашлиги паремиология ва метафорада ҳам кузатилади.

Умумий планда “бахт” концепти инглиз тилида қуйидаги компонентларни қамраб олади: 1) ёқимли вазият, 2) жисмоний соғлиқ, 3) ижобий психологик ҳолат, 4) ҳис-туйғуларнинг ижобий кўриниши, 5) турмуш тарзидан индивидуал қониқиш ҳосил қилиш, 7) эр-хотин (оила) муносабатларининг ижобий кўриниши, 8) иқтисодий барқарорлик, 9) тинчлик ва тотувлик, 10) ижтимоий муҳитда омадли фаолият, 11) севги, муҳаббат, 12) турмуш тарзидан тўлалигича қониқиш ҳосил қилиш ва розилик, 13) истак-хоҳишнинг амалга ошиши, 14) оптимистик қарашлар, 15) вақтинчалик ҳис-туйғудан қониқиш ҳосил қилиш.



Ўзбек тили лингвистик маданиятида ҳам ўзига хос компонентларни ташкил қилади: 1) эр-хотин (оила) муносабатларидаги ижобий ҳолат, 2) қариндошчиликнинг ижобий муносабатлари, 3) соғлом турмуш тарзи, 4) жамоавий муносабатлардаги ижобийлик (қўни-қўшни, жамоа ва шу қабиларда ўз ўрнига эга бўлиш), 5) маънавий-ахлоқий турмуш тарзи, 6) жисмоний соғлиқ, 7) севги, муҳаббат, 8) турмуш тарзидан тўлалигича қониқиш ҳосил қилиш ва розилик, 9) худодан розилик, 10) истак-хоҳишнинг амалга ошиши, 11) етуклик, 12) турмушга чиқиш ёки турмуш қуриш, 13) тақдирдан ризолик, 14) фарзандли бўлиш ва фарзандларнинг ахлоқий-маънавий етуқлиги.

“Бахт” концепт сифатида тилда акс этадиган категоризация ва концептуализация жараёнларнинг системалашган ҳолда амал қилиши ва қийсланаётган тиллар системасида лисоний қўлланилиши ва ушбу қийсланаётган тил соҳибларининг маданий хусусиятларини тилда қай даражада амалга ошишини қамраб олади. Маълумки, ҳар бир тилда ўзига хос концептлар системаси мавжуд. Бу орқали ўша тил соҳиблари уларни ўраб турган дунё тўғрисидаги маълумотлар оқимини қабул қилади, структурага солади ва таснифлайди. Шунинг учун ҳам маълум концептлар тилларда бир хил кўринишга эга эмас. “Бахт” концепти ҳам шулар жумласидандир.

#### Адабиётлар:

1. Апресян Ю.В., Апресян Ю.Д. Метафора в семантическом представлении эмоций // Вопросы языкознания. 1993. № 3. –С. 27–35.
2. Воркачев С.Г. Сопоставительная этносемантика теленомных концептов «любовь» и «счастье» (русско-английские параллели). -Волгоград: Перемена, 2003. -164с
3. Карасик В.И. Языковые ключи. -М., Гнозис, 2009. – 406с.
4. Кубрякова Е.С. Концепт // Краткий словарь когнитивных терминов. -М., Изд-во Моск. Ун-та, 1997. –С 90-93
5. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. -М., Academia, 1997. -С. 280-287.
6. Ляпин С. Х. Концептологическая формула факта // Концепты. Научные труды Центроконцепта. Вып 2. -Архангельск: Изд-во Помор. Ун-та, 1997. –С 5-71.
7. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашрети, 2008. -300 б.
8. Сафаров Ш.С. Тил назарияси ва лингвометодология: монография. -Тошкент. “ВАУОЗ”, 2015. – 376 б.
9. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. –М: Школа “Языки русской культуры”, 1997. – 824 с.
10. George Lakoff, Mark Johnson. Metaphors We Live By. The University of Chicago Press. 2003. -193 p.

#### Фойдаланилган луғатлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. Тошкент., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. –Б 178-179.
2. Longman Dictionary of American English. Pearson Education Limited. 2009. –P 476 [www.longman.com/dictionaries](http://www.longman.com/dictionaries).

#### Фойдаланилган бадий адабиётлар

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий, 1993.-223 б.
2. Абдуразоқова Ш. Тафаккур гулшани. –Т.: Ғафур Ғулом, 1989.-462 б.
3. Азамат Қаржовов. Бозор ошхонасидаги қиз. Т.: Дизайн –пресс, 2012.-191 б.



4. Абдулла Қаҳҳор. Анор.-Т.: Ф. Фулом, 2005. -2000 б.
5. К.М.Караматов. Proverbs- мақоллар- пословицы. Т.: Меҳнат, 2000.- 400 б.
6. Тоҳир Малик. Падаркуш. Т.: Davr press, 2011.- 164 б.
7. Исроилов Б., Машарипова Г. Аждодлар мероси ва маънавий тарбия.-Т.: Маънавият, 2015.- 30 б.
8. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Шарқ, 2005.- 512 б.
9. War and Peace by Leo Tolstoy / Tolstoi. Web site at <http://www.planetpdf.com>. Page.45
10. The adventures of Tom Sawyer. Mark Twain Web site at <http://www.planetpdf.com>.
11. Charles Dickens, A tale of two cities. Web site at <http://www.planetpdf.com>.Page. 331.
12. Charles Dickens, A Christmas Karol. Web site at <http://www.planetpdf.com>.Page. 56.
13. [www.arxiv.uz](http://www.arxiv.uz).

*Мардиев Т. Семантический и концептуальный анализ концепта «счастье». В данной статье рассматривается вербализация (и смысловое значение) концепта «счастье» в английских и узбекских паремиологических единицах, и анализ на примерах из художественных произведений. Также описывается социально-культурные, лингвокультурологические особенности концепта «счастье».*

*Mardiyev T. Semantic and conceptual analysis of the concept “Happiness”. Verbalization of concept “happiness” in English and Uzbek paremiology and fiction are discussed in the article. There are also revealed socio-cultural, linguocultural peculiarities of the concept “happiness”.*

---